

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

622 Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), «Микромолиялаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 369-модда), «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

1. Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 14 октябрь,
329-В-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 14 октябрь,
98-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазир-
лигининг 2013 йил 14 октябрдаги 329-В ва
98-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари
жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли
микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 369-модда), «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда) қонунлари мувофиқ, тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
бюджетдан ташқари жамғарма — Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси;

бюджетдан ташқари жамғарма кредит линияси — бюджетдан ташқари жамғарма томонидан кичик тадбиркорлик субъектларини мақсадли асосда кредитлаш учун тижорат банкларига ажратилган маблағлар;

қарз олувчилар (қарздор) — яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектлари.

2. Микрокредитлар қайтаришлик, тўловлилик, муддатлилик, шунингдек мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

3. Микрокредитлар 6 ойлик имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз энг кам иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорда берилади.

4. Микрокредитларнинг фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади. Бунда банк маржаси фоиз ставкасининг 50 фоизини ташкил этади.

5. Имтиёзли давр билан берилган микрокредитлар бўйича фоизлар улар берилган кундан бошлаб ҳисобланади ва асосий қарз имтиёзли давр тугаганидан кейинги кундан бошлаб ундирилади.

6. Микрокредитлар:

илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачи ва умумий овқатланиш ташкилотлари айланма маблағларини шакллантириш;

савдо ва умумий овқатланиш объектларини қуришни молиялаш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда улар учун ускуналар сотиб олиш;

ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олиш;

маъмурий харажатларни тўлаш, жумладан хизмат автомобиллари таъминоти;

мебель, уяли телефон сотиб олиш, шунингдек алоқа хизматларига тўлов мақсадлари учун берилиши мумкин эмас.

II боб. Микрокредитлар бериш

7. Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линияси ҳисобидан микрокредитлар:

чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш;

маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хом ашё ва материалларни тубдан қайта ишлаш;

хунармандчиликни ривожлантириш;

касанаичиликни ташкил этиш;

хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линияси ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун ажратилган микрокредитларни олишда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қуйидаги қатламлари устуворликка эга бўлади:

кам таъминланган оилалар аъзолари;

таркибида ногиронлар, жумладан Кўзи ожизлар жамияти аъзолари бўлган оилалар;

таркибида икки ва ундан ортиқ иш билан банд бўлмаган аъзолари бўлган оилалар;

боқувчисини йўқотган оилаларнинг аъзолари;

ёш оилаларнинг аъзолари.

Қарз олувчи ўзининг мазкур бандда назарда тутилган оила аъзоси эканлигини тасдиқлаш учун банкка фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномасини тақдим этиши лозим.

III боб. Микрокредитларни расмийлаштириш

9. Қарз олувчилар микрокредит олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза;

қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа;

тегишли давлат солиқ инспекциясининг қарз олувчи охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл) ва дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2а-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно;

мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган кредит таъминоти турларидан бири.

10. Тижорат банклари томонидан қарз олувчиларнинг микрокредит олиш бўйича аризаларини электрон тизим орқали қабул қилиш учун дастурий таъминот жорий қилиниши мумкин.

11. Қарз олувчилар микрокредит қайтарилишининг таъминоти сифатида хизмат кўрсатувчи банкка қуйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этади:

мол-мулк гарови;

банк ёки суғурта компаниясининг кафолати;

учинчи шахс кафиллиги;

қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик хатарининг банк фойдасига суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси.

12. Микрокредит ҳисобига сотиб олинган мулк ушбу микрокредит бўйича

ўз қийматининг 80 фоизи миқдорида гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

13. Кафиллик банк фойдасига кафил ва қарз олувчи ўртасида 3 нусхада тузиладиган ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Мазкур шартноманинг охириги варағига кафиллик қабул қилинганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банк бошқарувчиси томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр билан тасдиқланган ёзув киритилади.

14. «Микромолиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига асосан, қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, кафолат берувчи ёки кафил қарзни қайтариш муддати тугагач, хизмат кўрсатувчи банкнинг биринчи талабига биноан шартномага мувофиқ қарз олувчининг қарзини тўлаши шарт.

IV боб. Кредит линияларини очиш

15. Кредит линиясини очиш учун бюджетдан ташқари жамғарма ва Бош банк ўртасида Бош келишув тузилади. Бош келишувда банкларнинг вилоят ва туман бўлимлари томонидан микрокредитлар беришда ўрнатиладиган лимит (чегара)лар бўйича алоҳида шарт белгилаб қўйилиши зарур.

16. Бюджетдан ташқари жамғарма кредит линиясини очиш тўғрисида Бош келишувларни бир ёки бир неча тижорат банклари билан тузиши мумкин.

17. Бош келишув имзолангандан сўнг, бюджетдан ташқари жамғарма ва Бош банк ўртасида кредит линиясини очиш бўйича кредит шартномаси тузилади. Бундай кредит шартномалари, агар Бош банк томонидан ваколат берилган бўлса, тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғарманинг ҳудудий бўлимлари ўртасида ҳам тузилиши мумкин.

18. Кредит линиясини очиш бўйича кредит шартномаси имзолангандан сўнг, бюджетдан ташқари жамғарма ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмай тегишли суммани тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағига ўтказилади.

19. Бюджетдан ташқари жамғарма кредит линиялари ҳисобидан қарз олувчиларга берилган микрокредитлар 22005 — «Бюджетдан ташқари фондларга тўлаш учун узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади.

20. Микрокредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар алоҳида ҳисобварақда жамланади ва шартномада белгиланган муддатларда бюджетдан ташқари жамғарманинг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

21. Кредит линиясининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, Бош банк бюджетдан ташқари жамғарма маблағларини қарздорлар томонидан амалда қайтарилишидан қатъи назар, ҳисобланган фоизларни қўшган ҳолда бюджетдан ташқари жамғарманинг банк ҳисобварағига қайтариши шарт.

22. Бюджетдан ташқари жамғарма ўзининг кредит линиялари ҳисобидан берилган микрокредитлардан мақсадли фойдаланилишини ўрганиш мақсадида кредит йиғмажилдларини кўриб чиқиш ва тижорат банкининг ваки-

ли билан бирга тегишли жойга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш ҳуқуқига эга.

23. Тижорат банкининг микрокредитдан мақсадли фойдаланмаётганлиги аниқланган тақдирда, бюджетдан ташқари жамғарма кредит линиясининг мақсадсиз ишлатилган қисмини муддатидан олдин қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

24. Тижорат банклари бюджетдан ташқари жамғарма кредит линияларини ўзлаштириш ҳолати тўғрисида ҳар чоракда бюджетдан ташқари жамғармага мазкур жамғарманинг кредит линияси ҳисобидан микрокредит олган қарз олувчилар рўйхатини илова қилган ҳолда маълумот тақдим этади. Мазкур маълумотлар асосида ҳар чоракда тижорат банки ва бюджетдан ташқари жамғарма ўртасида маблағларнинг ишлатилиши ҳақида ўзаро солиштирма далолатнома тузилади.

V боб. Микрокредитлар беришни расмийлаштириш

25. Тижорат банклари ўзлари билан мунтазам алоқага эга, банк ҳисобварағида мунтазам пул оқими мавжуд, яхши обрў ва кредит тарихига эга бўлган қарз олувчиларга мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган таъминот турларидан бирини талаб қилмай бланкли (ишончли) кредит бериш ҳуқуқига эга.

26. Тижорат банки ва миждоз ўртасида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, кредит бўлими ходими банк бухгалтериясига муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда кредит ҳисобварағини очиш тўғрисидаги фармойишни тақдим этади. Бунда микрокредит бериш бўйича қарор қабул қилингандан бошлаб қарз олувчига кредит варақчаси очилади.

27. Қарз олувчининг микрокредит бериш бўйича аризаси хизмат кўрсатувчи банкка келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида кўриб чиқилиши ва тегишли қарор қабул қилиниши керак.

28. Бюджетдан ташқари жамғарма кредит линияси ҳисобидан микрокредит бериш ёки уни беришни рад этиш учун тижорат банки филиалининг қарори асос ҳисобланади.

29. Қарз олувчининг аризаси банк томонидан кўриб чиқиляётганда, қуйидагилар таҳлил қилинади:

қарз олувчининг даромадлари етарлилиги;

қарз олувчи томонидан тақдим этилган маълумотларнинг бир-бирига зид эмаслиги;

қарз олувчининг мажбуриятларни ўз вақтида бажариш имконияти мавжудлиги.

30. Тижорат банки филиали кредит қўмитаси томонидан қарз олувчининг инвестиция лойиҳаси маъқуллангандан сўнг, бюджетдан ташқари жамғарманинг кредит линиясида маблағ мавжуд бўлмаса, тижорат банки филиали шу куннинг ўзида Бош банкка ёки тегишли ҳудудий бўлимига мазкур кредит линияси бўйича қўшимча маблағлар ажратиш бўйича буюртма би-

лан мурожаат қилади. Мазкур буюртма асосида Бош банк ёки вилоят бўлими буюртма олинган куннинг эртасидан кечиктирмай бюджетдан ташқари жамғарма кредит линияси ҳисобидан талаб қилинаётган суммани ажратади.

Агар бюджетдан ташқари жамғарманинг Бош банкда очилган кредит линиясида маблағлар мавжуд бўлмаса, Бош банк шу куннинг ўзидаёқ бу ҳақда буюртма билан мурожаат қилган тегишли тижорат банки филиалига хабар бериш билан бирга, бюджетдан ташқари жамғармага қўшимча маблағлар ажратиш ҳақида талабнома жўнатади.

31. Тижорат банки филиали бюджетдан ташқари жамғарманинг кредит линиясида маблағлар вақтинчалик мавжуд эмаслиги ҳақида хабар олган куннинг эртасидан кечиктирмай, бу ҳақда қарз олувчини хабардор қилади. Банк филиалининг кредит қўмитаси календарь навбати асосида микрокредит бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган қарз олувчилар номи кўрсатилган рўйхат тузади.

Мазкур рўйхат бюджетдан ташқари жамғарма бўйича алоҳида тузилади ва барчанинг танишиб чиқиши учун қулай бўлган жойга осиб қўйилади. Рўйхатнинг банк филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган нусхалари Бош банк ёки вилоят бўлимига тақдим этилади.

32. Бюджетдан ташқари жамғарманинг кредит линиясига маблағ келиб тушгандан сўнг, микрокредитлар мазкур кредит линияси ҳисобидан рўйхатдаги навбат бўйича берилади.

VI боб. Мониторинг ўтказиш

33. Микрокредитлар қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи очилган тижорат банклари томонидан берилади.

Микрокредитлар алоҳида кредит ҳисобварағини очиш ва ушбу ҳисобварақдан тўлов топшириқномалари асосида товар-моддий бойликлар учун нақд пулсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан берилади.

34. Микрокредитлар бўйича муддатли мажбуриятномалар расмийлаштирилади ва тўла қайтарилгунга қадар 91905 — «Қарздорларнинг узок муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари» кўзда тутилмаган ҳолатлар баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади.

35. Микрокредитларни қайтариш муддати келган вақтда қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида кредитни қайтариш учун маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, мазкур микрокредит муддати ўтган кредитлар ҳисобварағига ўтказилади ва у бўйича расмийлаштирилган муддатли мажбуриятномалар тўлови эса, Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 127-модда) мувофиқ, 2-сонли картотека орқали календарь навбати бўйича амалга оширилади.

36. Тижорат банклари микрокредитдан фойдаланишнинг муддати давомида доимий мониторинг ўтказилади.

37. Мониторинг ўтказиш жараёнида қарз олувчининг молиявий-хўжалик фаолияти, тузган шартномалари (буюртмалар) бўйича мажбуриятларининг бажарилаётганлиги, ишлаб чиқариш ҳажми, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлари, фойдаси, айланма маблағлари айланмаси ва динамикаси ҳамда товар-моддий бойликлар захираси ҳолати таҳлил қилиб борилади. Таҳлиллар натижаси қарз олувчи учун тижорат банкида очилган махсус жилдда тизимлаштириб боради.

Тижорат банклари ходимлари гаров таъминотининг ҳолати ва берилган микрокредитдан мақсадли ва самарали фойдаланилаётганлигини жойига чиққан ҳолда ўрганади.

38. Микрокредитдан белгиланмаган мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, тижорат банки қарздорга келгусида кредит беришни рад этишга ёки микрокредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариб олишга ҳамда шартномада белгиланган шартлар асосида жарима белгилашга ҳақлидир.

39. Қарздор микрокредит бўйича асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизларни шартнома шартлари асосида тўлашдан ёки гаров шартномаси шартлари асосида гаров мулкани банк тасарруфига беришдан бош тортган ҳолларда, тижорат банки томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўрилади.

40. Қарз олувчининг гаров таъминоти микрокредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни қайтаришга етмаган тақдирда, банк мазкур қарзни қайтаришни қарз олувчининг ликвидли мол-мулки, жумладан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари, транспорт воситалари, компьютер ҳамда ташкилотларнинг бошқа ликвидли активлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 23-сон, 186-модда) билан тасдиқланган Банкларни кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибига мувофиқ амалга ошириши мумкин.

VII боб. Якуний қоидалар

41. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

42. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш жамоат фонди билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. ХАЙТОВ

2013 йил 14 октябрь